

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«10» август 2018 у.

№ 645

Toshkent sh.

**Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий  
ахборот-коммуникация технологияларини кенг  
жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастири тўғрисида” 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” акциядорлик жамиятининг Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ягона электрон ахборот марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Ягона электрон ахборот маркази фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар манфаатдор вазирлик ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Қуидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигига фойданиладиган ер майдонлари, экинларни жойлаштириш, контрактация шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ажратилган кредитлар, фермер хўжаликларига етказиб берилган ресурслар ва кўрсатилган хизматлар, шунингдек, қабул қилиб олинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмлари ва улар учун амалга оширилган тўловларнинг мониторингини юритиш;

Жамғарма томонидан ажратилган кредитлар, минерал ўғитлар ҳамда ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб беришнинг фермер хўжаликлари кесимида кафолатланган ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базасини юритиш;

туман ҳокимининг экин ерларини узоқ муддатли ижарага бериш ва экинларни жойлаштириш тўғрисидаги қарори, ер ижара шартномаси, контрактация, таъминот ва хизмат кўрсатиш шартномалари реестрини юритиш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарига интерактив давлат хизматларидан, жумладан, интернет тармоғидаги шахсий кабинет орқали фойдаланишда қўмаклашиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш жараёнига электрон тижорат амалиётини жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида ушбу имкониятлардан фойдаланишни кенг тарғиб қилиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналарида иш юритиш хужжатлари Ягона электрон ахборот маркази тизими орқали электрон хужжат шаклида тайёрланиши ва электрон рақамли имзо ёрдамида тасдиқланишига тўлиқ ўтилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр қўмитаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2018 йилнинг 1 октябрига қадар фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ягона электрон базасини (СТИР рақамлари ва контур кесимида) шакллантирсин ва унинг тизимли янгиланиб борилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўздонмаҳсулот” АК, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ, “Ўзнефтмаҳсулот” АЖ, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, АТБ “Агробанк”, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Марказга қуидаги маълумотларнинг мунтазам етказиб берилиши таъминланисин:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, уруғлик ва бошқа моддий ресурсларни етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, уруғлик ва бошқа моддий ресурслар етказиб берилиши ва хизматлар кўрсатилиши ҳамда улар бўйича тузилган шартномаларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар;

етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмлари, турлари ва қиймати бўйича тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотлар;

қишлоқ хўжалиги корхоналарига Жамғармадан ажратилган кредитлар тўғрисидаги маълумотлар.

6. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига Дастурда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида, сифатли ва самарали амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг электрон савдо майдончасини қишлоқ хўжалиги корхоналари

учун Ягона электрон ахборот маркази доирасида бепул ташкил этсин ҳамда ушбу маълумотларни “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” акциядорлик жамиятининг кўргазма-ярмарка савдоларида реализация қилишиниши, ахборот тизимларида автоматлаштирилган тартибда жойлаштириб борилишини таъминлансин.

8. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т.Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Б.Т. Юсупов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

А.Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “10” июлдаги 645 – сон қарорига  
ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация  
технологияларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари  
ДАСТУРИ**

| T/р  | Амалга ошириладиган тадбирлар номи   | Молиялаштириш манбай   | Амалга ошириш муддати | Масъуллар   |
|--|--|--|-----------------------|---|
| <b>I. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштирилган маҳсулотлар<br/>ҳажмлари ва турлари ҳақидаги маълумотларнинг ягона электрон базасини яратиш</b> |  |  |                       |   |
| 1  | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ер майдонлари ва экин турларининг жойлаштирилиши бўйича ягона электрон маълумотлар базасини (контурлар кесимида) ишлаб чиқиш.   | Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр қўмитаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маблағлари                  | 2018 йил сентябрь     | Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари                             |
| 2  | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга кредитлар ажратилишини электрон хужожатлар асосида ташкил этиш ҳамда реал вақт режимида мониторингини юритиш.  | “Агробанк” АТБ, “Ўзбекозиковқатхолдинг” ХК, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўздонмаҳсулот” АК маблағлари | 2018 йил сентябрь     | “Агробанк” АТБ, “Ўзбекозиковқатхолдинг” ХК, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўздонмаҳсулот” АК Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари           |
| 3  | Қишлоқ хўжалиги экинларнинг ҳолати, агротехник тадбирларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан ягона электрон мониторинг тизимини жорий этиш.  | Манфаатдор ташкилотларнинг ўз маблағлари   | 2018 йил декабрь      | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари                         |
| 4  | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, уруғлик ва бошқа моддий ресурсларнинг етказиб берилиши, хизматлар кўрсатилиши ва шартнома мажбуриятлари бажарилишини мониторинг қилиш бўйича ягона электрон тизимни ташкил этиш. | Манфаатдор ташкилотларнинг ўз маблағлари   | 2018 йил ноябрь       | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда бошқа ташкилотлар |

| T/p | Амалга ошириладиган тадбирлар номи   | Молиялаштириш манбаси   | Амалга ошириш муддати | Масъуллар   |
|-----|--|---|-----------------------|---|
| 5   | Тайёрлов корхоналари томонидан қабул қилиб олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмлари ва турлари, шунингдек, маҳсулотлар учун якуний тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини реал вақт режимида мониторинг қилиш бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш. | “Ўздонмаҳсулот” АК,<br>“Ўзпахтасаноат” АЖ,<br>“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК маблағлари | 2018 йил ноябрь       | “Ўздонмаҳсулот” АК,<br>“Ўзпахтасаноат” АЖ,<br>“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК,<br>“Агробанк” АТБ,<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни |

**II. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги миллий веб-сайтлар фаолиятини такомиллаштириши**

|   |   |  |                                 |   |
|---|---|--|---------------------------------|---|
| 6 | Agroonline.uz (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги), oziq-ovqat.uz (“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК), agromart.uz (Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши) ва бошқа қишлоқ хўжалиги соҳасида ихтисослаштирилган веб-сайтларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, улар орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатиш имкониятларини яратиш. | Халқаро молия институтлари ва ташкилотлар ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар маблағлари | 2018 йил ноябрдан бошлаб доимий | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни |
|---|---|--|---------------------------------|---|

|   |  |  |                         |   |
|---|--|--|-------------------------|---|
| 7 | Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун яратилган электрон ахборот тизимлари ҳамда веб-сайтларнинг имкониятлари, улардан самарали фойдаланиш усуслари бўйича жойларда сайёр ўкувларни тизимли ташкил этиш. | Халқаро молия институтлари ва ташкилотлар ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар маблағлари | 2018 йил август-декабрь | Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимларни |
|---|--|--|-------------------------|---|

**III. Маҳсулот тайёрловчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи корхоналар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг биржа савдоларида харид қилинишини таъминлаш**

|   |   |                            |                 |   |
|---|---|----------------------------|-----------------|---|
| 8 | Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмлари ва турлари | Манфаатдор ташкилотларнинг | 2018 йил ноябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини |
|---|---|----------------------------|-----------------|---|

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбирлар номи  | Молиялаштириш манбаси                    | Амалга ошириш муддати | Масъуллар  |
|-----|---|--|-----------------------|--|
|     | бўйича маълумотларни маҳсулот тайёрловчи, қайта ишловчи ҳамда экспорт қилувчи ташкилотларга реал вакт режимида етказиб бериш имконини берувчи ягона электрон ахборот тизимини яратиш.                                   | ўз маблағлари                            |                       | ривожлантириш вазирлиги,<br>“Ўзбекозиковқатхолдинг” ХК,<br>Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари  |
| 9   | Етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажмлари ва турлари бўйича кўргазма-ярмарка савдолари платформасида ҳамда agromart.uz ахборот тизимида автоматлаштирилган тартибда эълонлар жойлаштиришни йўлга қўйиш. | Манфаатдор ташкилотларнинг ўз маблағлари | 2018 йил ноябрь       | “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси” АЖ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекозиковқатхолдинг” ХК, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари |

